

“ЎЗАВТОСАНОАТ” АЖнинг
(тармоқ корхоналарнинг йиғма
кўрсаткичлари билан)

2021 йилга мўлжалланган
БИЗНЕС-РЕЖАСИ

МУНДАРИЖА

I. Жамият ва тармоқ тўғрисида умумий маълумот.

1.1 Жамият бўйича умумий маълумот.

1.2 Жамиятнинг қисқача тарихи ва жорий йилда эришилган ютуқлари.

1.3 Жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида қисқача маълумот.

1.4 Кадрлар сиёсати, янги иш уринларни яратиш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш.

1.5 Жамият ва тармоқ корхоналарида коронавирус инфекциясинг тарқалишини олдини олиш ва ишчи ходимларнинг тиббий хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чоралар.

II. Жамият ва унинг корхоналарини ислох қилиш.

2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси.

2.2 Ислох қилишнинг 2021 йил учун режаси.

III. Бозор ва маркетинг режаси.

3.1 Ички бозор фаолияти.

3.2 Экспорт бозорларидаги фаолияти.

IV. Кўрсаткичлар

4.1 Ишлаб чиқариш режаси

4.2 Маҳсулотларни сотув режаси.

4.3 Инвестиция фаолияти

4.4 Маҳаллийлаштириш ва импорт ҳажмини оптималлаштириш

4.5 Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш.

4.6 Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари

4.7 “Ўзавтосаноат” АЖ ижро аппаратини молиявий-хўжалик фаолияти.

V. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари

“Ўзавтосаноат” АЖнинг 2021 йилга мўлжалланган бизнес-режаси бошқарув аппаратининг ҳамда тармоқ корхоналарининг умумлаштирилган прогноз кўрсаткичлари бўйича шакллантирилган. Бунда тармоқ корхоналарининг асосий кўрсаткичлари бўйича - ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш, жумладан экспорт, инвестиция фаолияти, маҳаллийлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини қисқарттириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда молия-хўжалик фаолияти акс эттирилган.

I. Жамият ва тармоқ тўғрисида умумий маълумот.

1.1 Жамият бўйича умумий маълумот.

“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти.

Тармоқ: Автомобиль саноати.

2021 йилнинг 1 июнь ҳолатига “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг устав фонди 1 520,0 млрд. сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 100 фоизлик улуши билан жамиятнинг таъсисчиси ҳисобланади.

Юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темура кўчаси, 13.

СТИР: 201 053 918

Жамият ташкилий тузилмаси бўйича бошқарув ходимларининг умумий сони – 85 бирлик (ички аудит хизматидан ташқари).

1.2 Жамиятнинг қисқача тарихи ва жорий йилда эришилган ютуқлари.

1994 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан “Ўзавтосаноат” Ўзбек автомобилсозлик корхоналари ассоциацияси ташкил этилган, 2004 йилда “Ўзавтосаноат” ассоциацияси ишлаб чиқариш бошқаруви самарадорлигини ошириш мақсадида акциядорлик компанияга айлантирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги “2017-2021 йилларда автомобиль саноатини жадал ривожлантириш ва бошқарувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3028-сонли қарорига асосан “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамиятининг (кейинги таҳрирларда жамият деб юритилади) ташкилий-ҳуқуқий тузилиши акциядорлик компаниясидан акциядорлик жамиятига ўзгартирилган.

Бугунги кунда соҳада “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти доирасида бирлаштирилган ва бевосита 28 мингдан ортиқ ишчи ўрнига эга 72 дан ортиқ тармоқ корхоналари ва ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда, 200 дан ортиқ чет эл корхоналари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. “Ўзавтосаноат” АЖ ўнлаб катта ва ўрта корхоналар билан бир қаторда Корея республикаси, Италия, Германия, Япония каби хорижий мамлакатлар капитали билан биргаликда ташкил этилган компанияларни бирлаштиради.

Нуфузли компаниялар билан тенг ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган илгари одимлаш стратегияси рақобатбардош маҳсулотларни дунё стандартлари даражасида ишлаб чиқаришга қаратилган.

Ҳозирги кунда автомобиль саноати республика иктисодиётида жадал ривожланаётган тармоқлардаги бири ҳисобланади.

2020 йил ҳамда 2021 йилнинг 6 ойида эришилган ютуқлар.

2020 йил январь - “Ўзавтосаноат” АЖ, “Sinotruk International Investment Limited” va “MAN Truck & Bus SE” ўртасида мақжуд “UZ TRUCK AND BUS MOTORS” МЧЖ ҚҚ базасида “JV MAN Auto-Uzbekistan” МЧЖ ҚҚ қўшма корхонасини тузиш бўйича келишув имзоланди.

2020 йил январь - UzAuto Market инновацион майдончаси ҳудудида хусусий ишлаб чиқарувчилар, илм-фан вакиллари, кимё, қишлоқ хўжалиги, енгил ва бошқа саноат вакиллари учун Cooperation Lab тармоқлараро кооперация форуми ташкил этилди.

2020 йил январь – Ўзбекистондаги биринчи ISUZU D-Max пикаплари сотуви бошланди.

2020 йил февраль - Ravon Nexia R3 Қозоғистонда энг кўп сотиладиган модель бўлди.

2020 йил февраль - “Uzauto Motors” экспорт бозорларига автомобилларни Chevrolet бренди остида сотишни бошлади.

2020 йил март - “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Folksvagen Grup Rus” Ўзбекистонда енгил тижорат автомобилларини чиқариш ва сотиш бўйича ҳамкорлик тўғрисида келишув имзолади.

2020 йил март - “O‘z Dong Yang Ko” қўшма корхонасида тиббий ниқоблар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2020 йил март – Кустанай (Қозоғистон) шаҳрида “SariarkaAvtoProm” МЧЖ ишлаб чиқариш қувватларида “Chevrolet” бренди остида “UzAuto Motors” автомобилларининг янги моделларини ишлаб чиқариш бошланди.

2020 йил апрель - “O‘z Dong Yang Ko” юз учун химоя воситасини ишлаб чиқара бошлади, “O‘zauto Austem” корхонасида антисептиклар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

2020 йил май – Беларусь Республикасида “Chevrolet” бренди остида “Uzauto Motors” автомобиллари сотуви бошланди.

2020 йил май - “Ўзавтосаноат” Андижон вилоятида замонавий “Asaka City” турар жой мавзейни қуришни бошлади.

2020 йил июнь - “General Motors” билан тузилган келишув доирасида “UzAuto Motors” Россияда оммавий сегментдаги “Chevrolet” автомобилларини сотиш бошланганлигини эълон қилди.

2020 йил июль - Ravon R3 Қозоғистонда йилнинг иккинчи чорагидаги энг кўп сотилган моделга айланган.

2020 йил июль – Ўзбекистондаги “Folksvagen” расмий автосалонларида “Volkswagen Caddy” автомобилларининг сотуви бошланди.

2020 йил август – Тошкент шаҳри Бектемир туманида “Cooperation LAB” тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш маркази очилди.

2020 йил октябрь – “Šкода” маркали автомобиллар савдоси бошланиши.

2020 йил ноябрь – “Узавто Motors” АЖнинг Хоразм филиалида 250-мингинчи автомобиль ишлаб чиқарилди.

2020 йил ноябрь – “Узавто Motors” АЖ Швейцариянинг Credit Swiss компанияси билан 150 млн. еврогача халқаро синдициялаштирилган кредит шартномасини имзолади.

2020 йил декабрь – “Avtosanoat Invest” корхонаси “UzAuto Motors”нинг расмий сервис марказлари билан ҳамкорликда республиканинг барча ҳудудларида “UzAuto Service” 24/7 тезкор авто-ёрдам хизматларини ташкил этди.

“UzAuto Motors” АЖ сўнги 3 йил ичида тўловларнинг кескин ўсиши муносабати билан автомобиль ишлаб чиқарувчи биринчи марта энг йирик 20 та солиқ тўловчилар қаторига кирди.

2020 йилда “UzAuto Motors” АЖ рекорд даражадаги ишлаб чиқариш даражаси билан 280 000 донадан ортиқ автомобиль ишлаб чиқарган.

2021 йил январь – Қўқондаги расмий Skoda дилерлик маркази очилди.

CHEVROLET TRACKER автомобили янги авлодининг биринчи партияси сотувга чиқди.

Асака шаҳридаги “UzAuto Motors” заводида янги замонавий пайвандлаш цехи фойдаланишга топширилди.

2021 йил февраль - “UzAuto Motors” компаниясида SAP S/4HANA корхона ресурсларини бошқариш тизими (ERP-тизим)ни ишга туширилди.

2021 йил март – “SamAuto” заводи янгиланган SAZ LE60 автобуси учун Божхона иттифоқининг сертификатиغا эга бўлди.

“QVA IT” халқаро қўшма IT-компанияси тузилди.

2021 йил апрель – “UzAuto Trailer” ва “КАМАЗ” Ўзбекистонда тягачларни янги моделларини тақдим этди.

“Ўзавтосаноат” АЖ ва “Совкомбанк” ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

“Ўзавтосаноат” АЖ ва Қирғизистон Республикаси Энергетика ва саноат вазирлиги Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Boston Consulting Group (BCG) компанияси билан биргаликда ташкил этилган “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг таркибий корхоналарини ислоҳ қилиш бўйича трансформация офиси ўз фаолиятни бошлади.

“UzAuto Motors” АЖ ўзининг илк халқаро облигациялари чиқарилишини эълон қилди.

2021 йил май – Хоразмдаги янги “UzAuto Motors” пресслаш мажмуаси очилди.

“СарыаркаАвтоПром” МЧЖ “SamAuto” МЧЖ ҚК билан ҳамкорликда Қозоғистоннинг шимолий ҳудудлари учун мослаштирилган СамАвто SAZ LE60 автобусларини ишлаб чиқаришни бошлайди.

2021 йил июнь – “UzAuto Motors” АЖнинг энгил автомобилларини ишлаб чиқариш “UzAuto Motors Tadjikistan” кўшма корхонасини ташкил этиш бўйича битим имзоланди.

1.3 Жамиятнинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида қисқача маълумот.

Жамиятнинг ташкилий тузилмаси (схема) ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси (схема) 1 ва 2 иловаларда тақдим этилган.

Жамият фаолиятининг тузилмаси.

Ишлаб чиқариш йўналишида.

“Узавто Моторс” АЖ – энгил автомобиллар.

“СамАвто” МЧЖ ҚК – ISUZU турдаги юк автомобиллари ва автобуслар.

“Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚК – Man, Sinotruck турдаги катта юклар ташувчи транспортлар, самосваллар, махсус транспортлар ва автобуслар.

“Узавто-трейлер” МЧЖ – ярим тиркама ва осма техникалар ҳамда “Камаз” юк автомобиллари.

“Жиззах автомобиль заводи” МЧЖ – энгил тижорат автомобиллари.

“Узавто Моторс Пауэртрейн” АЖ – куч агрегатлари.

Маҳаллийлаштириш корхоналари - автокомпонентлар.

Бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари.

Энгил автомобилларнинг савдоси ва уларга техник хизмат кўрсатиш йўналишида.

Ташқи бозорлар: МДХ давлатларида 7 та дистрибьютор ҳамда 77 та диллер Chevrolet ва 35 дилер Ravon бренди остида фаолият кўрсатмоқда. 2020 йил мобайнида Қозғистон, Россия, Белорусия давлатларида Chevrolet бренди остида энгил автомобиллар савдоси йўлга қўйилди, 2021 йилнинг биринчи ярмида Украина, ҳамда Қирғизистон давлатларида ҳам Chevrolet бренди остида савдолар йўлга қўйилди. Йилнинг иккинчи ярмида Озарбайжон ва Тожикистон давлатлари ҳам шу бренд остида савдони бошлайдилар.

Ички бозорларда “Узавто Моторс” АЖнинг 98 та фаол диллерлик марказлари ўз фаолиятини олиб бормоқда (шулардан, 65 та диллер энгил автомобиллар сотиш билан бирга техник хизмат кўрсатиш станцияларига эга, 16 та диллер техник хизмат кўрсатиш станцияларига эга ҳамда 22 та диллер энгил автомобиль сотиш фаолиятини олиб боради). Диллерлик марказларининг энг кўп қисми Тошкент шаҳрида 16 та, Тошкент вилоятида 14 та ҳамда Фарғона вилоятида 10 та диллерлик марказлари жойлашган.

Хизмат кўрсатиш йўналишида.

“Ўзавтосаноат-лизинг” МЧЖ шаклидаги лизинг компанияси.

Жамият бошқариш компаниялари.

“Автосаноат Инвест” МЧЖ, “UzAutoComponents” МЧЖ, “Uzauto Passenger Vehicles Management” МЧЖ ҳамда “Uzauto Commercial Vehicles Management” МЧЖ.

Капитал қурилиш йўналишида.

“Ўзавтосаноат-инжиниринг” МЧЖ шаклидаги инжиниринг компанияси.

Кадрлар тайёрлаш йўналишида.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети.

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети қошидаги Академик лицей.

Тармоқ саноат корхоналари учун техник ходимлар (Андижон вилоятидаги Асака машинасозлик колледжи ва Самарқанд вилоятидаги Самарқанд автомобилсозлик колледжи).

1.4 Кадрлар сиёсати, янги иш уринларни яратиш, ходимларни ўқитиш ва малакасини ошириш.

Компаниянинг стратегик мақсадларини муваффақиятли амалга оширишнинг асосий шартларидан бири бу мутахассисларни тайёрлаш учун ажралмас тизимни яратишдир, бунда биринчи навбатда саноат корхоналарини муҳандис-техник, шунингдек молиявий-иқтисодий ва бизнесни бошқариш йўналишидаги малакали мутахассислар билан таъминлаш.

Соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимидаги энг муҳим бўғин Тошкентдаги Турин политехника университети бўлиб, у келажакда Ўзбекистонда автомобилсозлик саноатининг ўзига хос муҳандислик ва дизайн салоҳиятини яратиш ва ривожлантиришнинг асосий элементига айланиши керак.

Бу ерда мутахассисларни машинақурилиши ва автомобилқурилиши, ахборот-коммуникатция технологиялари, энергетика, архитектура ва қурилиш соҳалари бўйича тайёрланади. Асака ва Самарқанддаги автомобиль қурилиши коллежларида таълим олган битирувчилар ҳам муваффақиятли амалиётни ўтаб бўлиб, “Ўзавтосаноат” АЖ компанияси ходимларига айланишади.

Тармоқ корхоналарида кадрлар малакасини таъминлашнинг асосий йўналиши кадрлар захирасини яратиш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини яратиш ҳисобланади, бунга қуйидагилар киради:

1. Ходимларни тайёрлаш - умумий ва махсус билимлар даражасини ошириш, мутахассислик бўйича амалий иш тажрибасини ошириш;
2. Махсус дастурлар бўйича ўқув марказларида ўқитиш орқали малака ва касбий маҳорат даражасини ошириш;
3. Ишчилар ва мутахассисларни жойлаштиришни рационализация қилиш;
4. Соҳа учун кадрлар захирасини яратиш.

Тармоқда иш ўринларини яратиш режасига мувофиқ 2021 йилда жами 756 та режалаштирилмоқда. (8-11 иловалар)

“Ўзавтосаноат” АЖнинг бошқарув органи тўғрисида маълумот

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)			
1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор)		Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги - 100%
II. Кузатув кенгаши аъзолари			
2.	Насритдинходжаев Омонулла Забихуллаевич	Кузатув кенгаши раиси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг биринчи ўринбосари	
3.	Тойчиев Нусратбек Даврокулович	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати бошқарувчиси ўринбосари	
4.	Абдиназаров Бобур Қаландарович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирининг ўринбосари	
5.	Софаров Шуҳрат Уралович	Давлат активларини бошқариш агентлиги бошқарма бошлигининг ўринбосари	
6.	Шарипов Кунгратбой Аvezимбетович	Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори (мустақил аъзо)	
III. Ижро органи			
7.	Умурзаков Шавкат Буранович	“Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти бошқарув раиси	
8.	Рафиқов Абдуваққос Воҳидович	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари	
9.	Шукуров Азизбек Кобилович	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари	
10.	Таджиев Сардор Убайдуллаевич	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари	
11.	Тураев Фарход Разакович	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари	
12.	Тиллаев Жаҳонгир Дилшодович	“Ўзавтосаноат” АЖ бошқарув раиси ўринбосари	

1.5 Жамият ва тармоқ корхоналарида коронавирус инфекциясинг тарқалишини олдини олиш ва ишчи ходимларнинг тиббий хавфсизлигини таъминлаш борасида кўрилаётган чоралар.

Пандемия салбий таъсирини юмшатиш мақсадида “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг корхоналари томонидан коронавирус инфекцияси ва глобал инқироз тадбирларидан бир қатор комплекс чора-тадбирлар ташкил этилган.

Саноат корхоналарида тезкор штаблар тузилган, ягона назорат пунктлари ташкил етилган ва корхоналар худудига бегона шахслар кириши имкон қадар чекланган. Ходимлар харорати масофавий термометрлар билан ўлчаниб, қўллари махсус антисептик воситалари билан ишлов берилади ҳамда тиббий ниқоблар билан таъминланади.

Шу билан бир қаторда, корхоналарнинг барча бино ва ишлаб чиқариш цехлари барча санитария-гигиена меъёрлари ва талабларига мос равишда мунтазам ва пухта тозалаш ташкил етилган. Умуман, ходимлар саломатлигини муҳофаза қилиш, эпидемия тарқалишининг олдини олиш, ишларни тўғри ташкил этиш бўйича барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

II. Жамият ва унинг корхоналарини ислох қилиш.

2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4397 сонли “Ўзбекистон Республикаси автомобиль саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар” тўғрисидаги қарорига мувофиқ 2020 йилда “Ўзавтосаноат” АЖ ҳамда Boston Consulting Group халқаро консалтинг компанияси томонидан 2030 йилгача бўлган давр учун автомобиль саноати стратегияси ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган стратегияга кўра қуйидаги ишлар амалга оширилиши режалаштирилган:

1. Автомобиль саноатида фаолият кўрсатаётган ёки фаолиятини бошламоқчи бўлган компанияларга тенг шарт-шароитларни яратиш;

2. Ўзбекистон Республикисининг автомобиль саноатини бошқариш моделини ислох қилиш;

3. Автомобиль саноати тизимдаги корхоналарда давлат иштирокини (улушини) қисқартириш;

4. Янги ишлаб чиқарувчи компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва Ўзбекистон худудида ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

5. Электромобилларни ишлаб чиқаришга босқичма-босқич таёргарлик кўриш;

6. Ишлаб чиқариш активларини (корхоналарни) оптималлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш.

Шу билан бирга, “Ўзавтосаноат” акциядорлик жамияти трансформациясини ҳамда унинг узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги 109-сонли қарори билан Трансформация офиси ташкил этилди.

Трансформация жараёнлари қуйидаги 8 та йўналиш бўйича амалга оширилмоқда:

- Савдо ва маркетинг;
- Янги ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиш;
- Харидлар ва етказиб берувчилар билан ишлаш;
- Ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш;

- Айланма маблағларни мувофиқлаштириш;
- Молиявий кўрстакларни яхшилаш;
- Рақамлаштириш ва информацион технологияларни жорий қилиш;
- Инвестициялар.

2.2 Ислох қилишнинг 2021 йил учун режаси.

Жамият ва унинг таркибига кирувчи ташкилотларни трансформация қилиш ҳамда хусусийлаштиришга тайёрлаш;

Жорий йилнинг охирига қадар “Ўзавтосаноат” АЖ (тизимига кирувчи корхоналар) консалидацион молиявий ҳисобитини тайёрлаш ва катта туртликка (big4) кирувчи аудиторлик компанияси мустақил аудитидан ўтказиш.

Сервисни ривожлантириш йўналишида рақамли технологияларни жорий қилиш орқали бизнес жараёнларини автоматлаштириш, онлайн хизматларни таклиф этиш, хусусан, сервисга онлайн ёзилиш, таъмирлаш жараёнини онлайн монитор қилиш ва натижани баҳолаш, жойида техник хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, онлайн эҳтиёт қисмлар дўконини жорий қилиш, ишлаб чиқарувчи ва дилерларнинг ягона дастурий тизим остида ишлашини жорий қилиш (dealer management system).

Жамият томонидан электромобиллар сегментига кириш бўйича лойиҳалар тайёрлаш, шу жумладан, ушбу сегментнинг жорий ҳолати ва ривожланиш таҳлилини олиб бориш, жаҳон ишлаб чиқарувчиларининг жорий ва истиқболли электромобиллар моделларини ўрганиш зарур. Келгусида салоҳиятли электромобиллар ишлаб чиқарувчилар билан музокаралар ўтказиш ва 2023 йилдан ички ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш.

“Бостон консалтинг групп” компанияси билан биргаликда Трансформация жараёнларини амалга ошириш;

Жорий моделларнинг маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириб, охирига етказиш, янги моделларни бутловчи қисмларини маҳаллий корхоналарда ўз вақтида, графиклари асосида ишлаб чиқариш бўйича ишларни ташкиллаштириш.

Барпо этилиши кўзда тутилган Саноат Хабида, янги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш бўйича ишларни давом эттириш, лойиҳаларни амалга ошириш.

Хомашёнинг муқобил етказиб берувчиларини излаш ва “Ўзавтосаноат” АЖ тармоқ корхоналарининг импорт қилинадиган хомашёни сотиб олиш учун харажатларини оптималлаштириш бўйича тегишли бошқарув органларининг қарорларни қабул қилиш, шу жумладан паст рентабеллик корхоналарни қайта ташкил этиш, ёки тармоқнинг айрим корхоналари активларини маҳаллий ва хорижий инвесторларга сотиш орқали амалдаги ишлаб чиқаришларни кенгайтиришга тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш.

“Ўзавтосаноат” АЖ корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириш, уларни молиявий ҳолатини барқарорлаштириш ва янада яхшилаш.

Соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш ва рақамлаштириш.

Бугунги кунда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида 2020 - 2022 йилларда “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш соҳаларини рақамли трансформация қилиш дастурига мувофиқ 14 та лойиҳа амалга ошириб келинмоқда, жумладан:

1. “Ўзавто Моторс” АЖда ERP тизимини жорий этиш;
2. “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан “Сервис марказ хизматлари” электрон (онлайн) тизимини жорий этиш;
3. “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан тижорат транспорт воситаларини онлайн сотиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида электрон савдо майдончасини жорий қилиш;
4. Саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш соҳаларидаги идора ва ташкилотларнинг ходимларини замонавий ахборот технологиялардан фойдаланиш бўйича ўқитиш, билим ва кўникмаларини ошириш;
5. Саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш соҳаларидаги идора ва ташкилотларнинг ахборот технологияларига ихтисослаштирилган таркибий бўлинмалари ходимларини малакасини ошириш, шу жумладан хорижий ўқув муассасаларида ўқитиб, халқаро IT-сертификатга эга ходимлар улушини ошириш;
6. “Ўзавто Моторс” АЖ эҳтиёт қисмларни сотиш ва сервис марказ хизматларини онлайн тизими (CRM)ни жорий қилиш каби лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Шу билан бирга:
7. “Сам Авто” МЧЖда ERP тизимини жорий этиш;
8. “Ўзавтосаноат” АЖ таркибига кирувчи 13 та бутловчи қисм ишлаб чиқариш корхоналарида ERP тизимини жорий этиш;
9. “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан эҳтиёт қисмларни онлайн сотиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида электрон савдо майдончасини жорий қилиш;
10. “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан дилерлик корхоналарни бошқариш тизими (DMS) жорий этиш;
11. “Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги бутловчи қисмларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш доирасида ОЕЕ (Overall equipment efficiency) ахборот тизимини жорий этиш;
12. “Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги бутловчи қисмларни ишлаб чиқарадиган корхоналарда ишлаб чиқариш жараёнини автоматлаштириш доирасида RFID (Radio Frequency Identification) ахборот тизимини жорий этиш;
13. Саноат ва унинг базавий тармоқларини ривожлантириш соҳаларидаги идора ва ташкилотларнинг ахборот технологияларига ихтисослаштирилган таркибий бўлинмаларининг ходимларини “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида малакасини ошириш;
14. Тизимдаги корхоналар ишлаб чиқариш жараёнида RFID (Radio Frequency Identification) ахборот тизимини жорий қилиш лойиҳаларини амалга татбиқ қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Ш. Бозор ва маркетинг режаси.

3.1 Ички бозор фаолияти.

“Узавто Моторс” АЖ ички бозорнинг дилерлик тармоғи фаолиятини такомиллаштириш бўйича доимий иш олиб боради.

Дилерлик тармоғини ривожлантириш, дилерлик марказларини оптималлаштириш ва дилерлик марказлари тоифаларини очиш бўйича янги концепция ҳамда талабларни тасдиқлаш режалаштирилган. Дилерлик марказларини Chevrolet бренд-китобидаги D-1 ва D-2 стандартларига мувофиқ ягона корпоратив услубга ўтказиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Дилерлик марказлари ўртасида рақобатни кучайтириш, кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш, ички бозорда автомобилларни сотиш ҳажмини ошириш мақсадида уларни хусусий инвесторларга сотиш орқали тўлиқ хусусий дилерлар сонини кўпайтириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2021 йилда хусусий сармоядорларга 27 та дилерлик корхоналарининг устав фондидаги акциялар пакетини сотиш режалаштирилган.

“СамАвто” МЧЖ ҚК маҳсулотларни ички бозорда сотишни Ўзбекистон Республикаси бўйлаб жойлашган 39 та дилерлик корхоналари амалга оширадilar.

Истеъмолчилани эҳтиёжини таъминлаш мақсадида республика ҳудудида 3 та ҳудудий омборлар фаолият кўрсатмоқда (Тошкент, Урганч ва Фарғона вилоятларида), улар Исузу (Япония) томонидан тавсия этилган тизим ва махсус жавонлар билан жиҳозланган.

Самарқанд автомобилсозлик коллежи ҳудудидаги махсус жиҳозланган ўқув марказида ва Самарқанд шаҳридаги касб-хунарга ўқитиш марказида (марказ КОСА билан ҳамкорликда ташкил этилган) “СамАвто” МЧЖ ҚК мутахассислари томонидан дилерлик марказлари учун кадрларини тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари олиб борилмоқда.

Хар йили ваколатли хизмат кўрсатиш станцияларининг автоулов механиклари ўртасида техник мусобақалар ўтказилади, унинг давомида энг яхши техник мутахассислар аниқланади ва автоуловларга техник хизмат кўрсатиш соҳасида тажриба алмашилади. Мусобақада иштирок этган ғолиблар Японияда бўлиб ўтадиган халқаро автоулов механиклар танловида иштирок этишлари мумкин.

Бундан ташқари, харидорларни жалб қилиш учун корхона турли ҳил тадбирлар ва акциялар амалга оширади. Акцияларни амалга оширишда техник хизмат кўрсатиш стандартларига риоя этилишини назорат қилувчи япон мутахассислари кўмагидан фойдаланилади.

“Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚК Жорий йилда республикада 32 та дилерлик ва хизмат кўрсатувчи марказлар фаолият олиб бормоқда. Ҳар йили “Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚК дилерлик тармоғини такомиллаштириш ва ривожлантириш бўйича иш олиб бормоқда. Жумладан, 2021 йилда ишлаб чиқариладиган транспорт воситаларининг турини кенгайтириш, шунингдек, СТГ (метанда) ишлайдиган транспорт воситаларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, корхона мунтазам равишда маркетинг тадбирларини олиб боради. Офлайн ва онлайн манбаларда компаниянинг брендини ва маҳсулотларини реклама қилинишини давом этирилади. Шу билан бирга, 2021 йилда корхонада мавжуд тайёр маҳсулотларни сотиш учун акцияларни эълон қилиш ва молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш режалаштирилган.

3.2 Экспорт бозорларидаги фаолияти.

“Ўзавто Моторс” АЖ 2020 йил март ойидан бошлаб автомобиллар “CHEVROLET” бренди остида МДХ мамлакатлари ва Афғонистонга экспорт қилинмоқда. Мавжуд “Ravon” дилерлик тармоғини “CHEVROLET” тармоғига бирлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Маҳсулот таннархини қисқартиришни амалга ошириш ва бу орқали экспорт нархларини тартибга солиш ишларини давом эттириш режалаштирилган. Шу жумладан, “СарыаркаАвтопром” (Қозоғистон)га юборилаётган SKD тўпламлари учун ҳам. Шу билан бирга, SKD тўпламлари шаклида экспорт қилинаётган Chevrolet Nexia автомобили билан бир қаторда Chevrolet Malibu, Chevrolet Damas/Labo, Chevrolet Cobalt, Chevrolet Spark, Chevrolet Tracker, Chevrolet Trailblazer, Chevrolet Tahoe, Chevrolet Traverse, Chevrolet Equinox автомобилларини етказиб бериш давом эттирилмоқда.

Хозирда Қозоғистонда йиғилган автомобилларни Россия Федерацияси ва Қирғизистон Республикасига қисман экспорт қилиш йулга қуйилди. Шу билан бир қаторда бошқа МДХ мамлакатларига экспорт қилиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Бозорларнинг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва маҳаллийлаштириш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар ҳам сотиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида халқаро автомобиль кўрғазмалари ва тақдимотларида иштирок этиш режалаштирилган.

Сотишдан кейинги сервис хизматларини амалга ошириш мақсадида ташқи бозорлардаги дистрибютор корхоналарига эҳтиёт қисмларни етказиб бериш ишлари давом эттирилади.

“СамАвто” МЧЖ ҚК ТОО “СарыаркаАвтоПром” (Қозоғистон) билан имзоланган англашмага асосан 2021 йил охирига қадар умумий қиймати 17 млн. АКШ доллар булган 200 дона LE60 русумли автобусларини ишлаб чиқариш учун етарли булган машкомплект ва агрегатларни Қозоғистонга экспорт қилинишини мулжаллаб қуйган қийматидаги 110 дона автобуслар экспорт қилиниши режалаштирилган. Бугунги кунда шартнома имзоланиши ва олдиндан тулов қабул қилиниши кутилмоқда.

Савдо бозорларини кенгайтириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида Афғонистон Ислом Республикасининг Харидлар миллий бошқармаси ва “Ўзавтосаноат” АЖ ўртасида имзоланган меморандум доирасида етказиб берилмай қолган 7,58 млн. доллар миқдоридagi 158 дона тез тиббий ёрдам машиналарини экспорт қилиш режалаштирилган. Шу билан бирга, Афғонистонга республикасига экспорт қилиш мақсадида махсус техника рўйхатини шакллантириш ва экспорт нархларини келишиш бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Биринчи ярим йиллик якуни бўйича Тожикистон бозорига, “ТажМоторс” МЧЖ компанияси ёрдамида 306 минг долларга тенг бўлган 5 дона NP 26 русумли автобус ва 1 дона NQR 71PL юк автомобили экспорт қилинган бўлиб, йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 500 минг долларга етказиш режалаштирилган.

ООО “Азермаш” (Озарбайжон Республикаси) ишлаб чиқариш майдончаларида LE60 русумли автобусни йиғиш мулжалланяпти. Имзоланган шартнома асосида июль ойининг ўртасида 1 дона автобус йиғилиши учун етарли бўлган машкомплект ва агрегатлар жўнатилиши кутиляпти.

2021 йилнинг биринчи яримида Украина бозорига умумий қиймати 533 минг АКШ доллари тенг булган 7 дона SAZ LE60 автобуслари экспорт қилинган булиб, шу йилнинг якунигача умумий қиймати 456 минг АКШ долларига тенг булган 6 дона автобус экспорт қилиш режалаштирилган. Шу жумлада, Украина бозорига янги HD50 (евро-5) автобусига регионал дилер сертификатлаш бўйича лойхалар олиб бориш режалаштирилган.

Бундан ташқари, 2021 йил I ярим йиллик якуни бўйича, Қирғизистон Республикасига умумий қиймати 1 млн 788 минг долларга тенг бўлган 77 дона (28 дона пикап ва 49 дона юк автомобили) маҳсулот экспорти қилинган, йил якунига қадар ушбу давлатга яна 585 минг долларга тенг 30 дона юк автомобиллари ҳамда 477 минг долларга тенг SAZ HC 40 автобусларини экспорт қилиш мўлжалланган.

“Uz Truck & Bus Motors” МЧЖ ҚК “СарыаркаАвтоПром” (Қозоғистон) майдонларида MAN TGM, MAN TGS, MAN TGX русумли тиркамаларни йиғиш ишларини давом эттирилади ва ушбу маҳсулотларни СВС-Транс (Қозоғистон) ва Eurasia Truck and Bus Kazakhstan (Қозоғистон) экспортини амалга оширилади.

Sinotruk юк автомобилларини “QazTehna” (Қозоғистон) майдонларида йиғишни бошлаш ва шу техникалар учун Қозоғистон ОТТС сертификатларини олиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бу ўз навбатида Sinotruk юк автомобилларини Қозоғистон республикасига экспорт қилишни бошлашга имкон беради.

Афғонистон республикасига техникаларни етказиб бериш бўйича маҳсулот номенклатураси янада кенгайтириш юзасидан музокаралар олиб бориш режалаштирилмоқда.

“Узавто-Трейлер” МЧЖ 2021 йилда “УзАвто Трейлер” МЧЖ “КАМАЗ” акциядорлик компанияси билан имзоланган шартномага кўра Россия Федерациясига 1,17 млн. доллар қийматидаги тиркамаларни етказиб бериш борасида шартнома имзоланиб, техникалар берилмоқда.

Тожикистон республикасига ўртача 68,0 минг доллар қийматидаги самосвал кузовларини етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган режалаштирилган.

Савдо бозорларини кенгайтириш мақсадида Афғонистон Ислон Республикасининг Харидлар миллий бошқармаси ва “Ўзавтосаноат” АЖ ўртасида 2019 йил сентябрь ойида тузилган меморандум доирасида 3,46 млн. доллар қийматидаги КАМАЗ шассиси базасига йиғилган маҳсул техника ва қурилиш техникаларини экспорт қилиш учун шартнома имзоланган ва етказиб берилмоқда.

“Enter Engineering Pte. Ltd.” корхонаси билан автосамосваллар ва ярим тиркамаларга 7,25 млн. долларлик шартнома имзоланган бўлиб, транспорт воситаларни харидорга етказиб бериш ишлари тугатилиб борилмоқда.

Халқаро молия институтлари томонидан молиялаштириладиган тендерларда қатнашиш учун таклифлар тақдим этилган бўлиб, натижалар 2021 йилнинг III чорагида кутилмоқда.

Экспорт ҳажмини оширишнинг долзарб вазифаларидан бири экспорт маҳсулотлари ассортиментини диверсификация қилиш ҳамда хорижий мамлакатларда (ОЕМ) автомобил ишлаб чиқарувчилар конвеерига автомобиль қисмларини етказиб беришни ташкил этиш.

IV. Кўрсаткичлар.

“Ўзавтосаноат” АЖ корхоналарининг 2021 йилдаги мақсадли режа кўрсаткичлари ҳамда ўсиш суръатлари. (3 илова)

4.1 Ишлаб чиқариш режаси.

2021 йилда енгил автомобиллар ишлаб чиқариш ҳажми 212,5 минг донага етиб, ўсиш суръати 2020 йилга нисбатан 75,9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Енгил автомобиллар ишлаб чиқаришда глобал бозорда вужудга келган микросхемаларнинг (яримўтказгичлар) етказиб берилишидаги узилишлар (танқисликлар) “Ўзавто Моторс” АЖ ҳамда маҳаллийлаштириш корхоналарининг жорий йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмларининг пасайишига олиб келди.

Маълумот учун: 2020 йилда бошланган Covid-19 пандемияси халқаро иқтисодиётнинг барча жабҳаларига, жумладан, саноат йўналишига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Ўрнатилган қатъий карантин чоралари, масофавий ишлаш ва таълим олиш оммалашуви халқаро бозорларда ўтган йилнинг I ярим йиллигида ИКТ техникаларига ва табиийки, тиббий асбоб-ускуналарга бўлган талабнинг янада ўсишига олиб келди. Яримўтказгич чиплари ишлаб чиқарувчилари асосий таъминот занжирларини маиший электроника ва тиббиёт соҳасига йўналтирдилар. IDC тадқиқотлари маркази маълумотига кўра, шахсий компьютер технологиялари савдоси 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 13,1 фоизга ошган бўлса, худди шу давр мобайнида автомобилларга бўлган талаб Statista агентлигининг маълумотига кўра 14,7 фоизга тушиб кетди. Бу эса яримўтказгичли чиплар бозоридаги автомобиль саноати салмогининг ИКТ ва маиший техника саноати ҳисобига бой берилганини билдириб, 2020 йил охирига келиб автомобилларга бўлган глобал талабнинг қайта тикланиши замирида барча саноат жабҳаларида чипларнинг глобал етишимовчилиги юзага кела бошлади.

Яримўтказгичлар бугунги автомобилларнинг асосан электрон тизимга эга бўлган бошқарув, хавфсизлик ва бошқа функцияларини бошқаришдаги бутловчи қисмларнинг асосий компоненти ҳисобланади. Бу бутловчи қисмлар сирасига двигатель, руль чамбараги, тормоз тизимининг бошқарув блоки, хавфсизлик ёстиқчаларининг модули каби юқори технологик

бошқариш блоклари киради. “UzAuto Motors” АЖ автомобилларини ишлаб чиқаришида 70 дан ортиқ яримўтказгичли бутловчи қисмлар қўлланилади.

Шу билан бирга, корхоналар томонидан автобус ва юк автомобилларини ишлаб чиқарилишини ошириш бўйича қўшимча чоралар кўрилмоқда, жумладан 2021 йилда 4 200 дона ISUZU туридаги юк автомобиллари ва автобуслар (ўсиш суръати 119,5 фоиз), 925 дона MAN, Sinotruck туридаги юк автомобиллари (120,1 фоиз), 1 100 дона Камаз юк автомобиллари (2 баробар) ҳамда 762 дона тиркама ва ярим тиркамалар ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда. “Жиззах автомобиль заводи” МЧЖни ишга тушириш ҳисобига жорий йилда 1 000 дона енгил тижорий автомобиллар ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

Бунинг ҳисобига жорий йил якунида тармоқ корхоналарининг sanoat маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 29 193,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати 83,2 фоизга етиши режалаштирилмоқда. (4-5 иловалар)

4.2 Маҳсулотларни сотув режаси.

Жорий йилда тармоқ корхоналари томонидан жами 34 937,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар сотилиши ва хизматлар кўрсатилиши режалаштирилмоқда (ўсиш суръати 94,6 фоиз), жумладан енгил автомобиллар сотиш ҳажми 22 854,3 млрд. сўм (224,9 минг дона), ISUZU туридаги юк автомобиллари ва автобуслар 1 993,8 млрд. сўм (4 448 дона), MAN, Sinotruck туридаги юк автомобиллари 1 114,6 млрд. сўм (1 250 дона), Камаз юк автомобиллари ҳамда тиркама ва ярим тиркамалар 1 106,2 млрд. сўм (2 164 дона).

4.3 Инвестиция фаолияти.

2021 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини амалга ошириш чоратadbирларига мувофиқ жамият тармоқ корхоналари томонидан жорий йилда 11 та лойиҳалар доирасида 152,6 млн. доллар ўзлаштирилиши кўзда тутилган, жумладан:

1. “Янги автомобил моделларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш”. Лойиҳа “GEM”нинг янги бирлашган глобал платформасига ўтиш орқали “Uzauto Motors” АЖ моделлар қаторини янгилашни назарда тутди, шу асосда “B” турдаги (седан) ва “SUV B” (ихчам кроссовер) автомобилларининг 2 та янги моделларини ўзлаштириш режалаштирилган;

2. Корхоналарни модернизация қилиш, эскирган технологик ускуналарни алмаштириш ва кенгайтириш;

3. “Uzlogistics” МЧЖ қошида логистика компаниясини ташкил этиш;

4. “Самавто” МЧЖ ҚҚда ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

5. Хоразм вилоятида штампланган қисмларни ишлаб чиқариш. Лойиҳада Дамас русумли автомобил қисмларини штамплаш кўзда тутилган;

6. “UzAuto Motors Powertrain” АЖ да янги автомобил моделлари учун двигателнинг янги турини ўзлаштириш. Лойиҳада янги ишлаб чиқарилган автомобиллар учун янги двигателларни ишлаб чиқаришни назарда тутилган.

7. “Уз-Корам Ко” МЧЖда янги автомобил моделлари учун бамперлар ва бошқа пластик қисмлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

8. “УзСемюнг” ҚКда янги автомобил моделлари учун штампланган қисмларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

9. “УзДонгЯнг” ҚКда янги автомобил моделлари учун ички қисмнинг пластик қисмларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

10. “Asaka City” кўп функционал турар-жой мажмуасини қуриш;

11. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги учун “Замонавий куйиш цехини ишга тушириш лойиҳаси”. (6 илова)

4.4 Маҳаллийлаштириш ва импорт ҳажмини оптималлаштириш.

Маҳаллийлаштириш дастури бўйича тармоқ корхоналари томонидан 19 турдаги 938,7 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, жорий моделларнинг маҳаллийлаштириш даражасини ошириш бўйича бошланган ишларни давом эттириб, охирига етказиш, янги моделларни бутловчи қисмларини маҳаллий корхоналарда ўз вақтида, графиклари асосида ишлаб чиқариш бўйича ишларни ташкиллаштириш.

Барпо этилиши кўзда тутилган Саноат Хабиға, 8 та янги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни жойлаштириш бўйича ишларни давом эттириш.

Импорт ҳажмини 80 миллион долларға қисқартириш ва маҳаллий корхоналар томонидан 350 турдаги янги деталларни ўзлаштириш режалаштирилмоқда.

4.5 Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 22 декабрдаги “Саноат тармоқлари корхоналарининг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек, ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2692 сонли қарорига мувофиқ жорий йилда “Ўзавтосаноат” АЖ саноат корхоналари маҳсулотларининг ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Бунга кўра, саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш харажатларини хомашё ва материаллар ҳамда бутловчи қисмлар нархларини қисқартириш, эксплуатацион ва устама харажатларини ва бошқа турдаги харажатларни жами 923,5 млрд. сўмға (2,6 фоиз) қисқартириш режалаштирилмоқда, жумладан хомашё ва материал харажатларини қисқартириш ҳисобига 423,4 млрд. сўм, бошқа ишлаб чиқариш харажатлари ва операцион харажатларни қисқартириш ҳисобига 210,6 млрд. сўм, энергоресурсларни тежаш ҳисобига 8,3 млрд. сўм, маъмурий харажатларини қисқартириш ҳисобига 8,9 млрд. сўм, бошқа устама харажатларни қисқартириш ҳисобига 272,4 млрд. сўм. (7 илова)

4.6 Корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари.

2021 йилда “Ўзавтосаноат” АЖ корхоналари томонидан умумий 34 937,3 млрд. сўмлик маҳсулотлар сотилиб ва хизматлар кўрсатилиб (2020 йилға нисбатан ўсиш 94,6 фоиз), 4,1 фоиз рентабеллик даражаси режалаштирилмоқда.

4.7 “Ўзавтосаноат” АЖ ижро аппаратини молиявий-хўжалик фаолияти.

Молиявий ҳолати. 2020 йил якуни бўйича асосий фаолиятидан даромадлари 253,4 млрд. сўмни ва молиявий фаолиятидан даромадлари 208,4 млрд. сўмни

ташқил этди. Шу билан бирга жами харажатлар 301,4 млрд. сўмни (давр харажатлари 219,0 млрд. сўм, молиявий фаолият бўйича харажатлар 25,2 млрд. сўм, фойда солиғи 57,3 млрд. сўм) ташқил этиб, йил якуни бўйича 160,3 млрд. сўм соф фойдага эришилди.

